

Пайнетдаги фойиз тўғрисида

11:57 / 06.11.2018 2273

Ассалому алайкум! Ҳурматли узтозлар, яқинда каналидан 3901-саволни жавобини ўқиб қолдим. Мен ҳам пайнетда ишлайман, бир нарса мени ўйлантириб қўйди. Агар услуга олинса яни хизмат ҳаққи судхўрликнинг бир тури дейилипти. Унда банкларда очиқдан ойдин фойизга пул беради, яни кредит ҳамма банкдагилар судхўрлик билан шуғулланяткан бўладими? Ошхоналарда хизмат кўрсатиб афитсантлик қилётканларчи улархам 20% хизмат ҳаққи олишади. Шунга ўхшаш жуда кўп соҳалар бор барчаси фойдасини фойизда қўйишади. Сизлардан илтимос шу ҳақида тушунтирсангизлар.

"Зикр аҳлидан сўранг" ҳайъати:

- Ва алайкум ассалом! Пайнетчи "Пайнет" компанияси билан унга ишлаш учун шартнома тузади. Хизмат ҳаққини пайнет бериши керак, чунки у одам пайнетнинг хизматчиси ҳисобланади. "Пайнет" ҳаққини бермаса мижозлардан ундириш керак деган жойи йўқ. Мабодо пайнет бераётган иш ҳақи озлик қилса ҳамма пайнетчилар кўтаришини талаб қилишсин. Валлоҳу аълам!